



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 10 февраль, сешанба, №15 (3661).



>>> Президент

ЛОЙИҲА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**ПРЕЗИДЕНТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ
АЪЗОЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**



Қасим-Жўмарт Тўқаев Конституциявий комиссия раиси – Конституциявий суд раиси Элвира Азимова, комиссия раиси ўринбосари – Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин ва комиссия аъзоси – Президентнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ержан Жиенбаевни қабул қилди.

Мамлакат раҳбарига комиссиянинг янги Конституция лойиҳаси юзасидан бугунга қадар амалга оширган ишлари ҳақида маълумот берилди.

Элвира Азимова оммавий муҳокамага тақдим этилган янги Бош Қомус лойиҳаси ҳақида маълумот берди. Унинг таъкидлашича, eGov ва e-Otinish портали орқали жа-

моатчиликдан келган фикр-мулоҳазалар сони 4 мингдан зиёдни ташкил этган. Фуқаролар лойиҳани ҳозирги талаблар ва жамият манфаатларига мос деб баҳоламоқда. Сийсий партиялар ҳамда республика ва минтақавий жамоат ташкилотлари янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда.

Президент Конституциявий

комиссиянинг фаолияти очик шаклда давом эттирилиши зарурлигини таъкидлади. Бу фуқароларга муҳокама жараёнидан воқиф бўлиш ва лойиҳа мазмунини билан батафсил танишиш имконини беради.

Қ. Тўқаев экспертлар ва жамоатчилик аъзолари томонидан билдирилган таклифларни алоҳида таҳлил қилишни топширди.

Э. Азимова комиссия аъзолари янги Конституция лойиҳасининг алоҳида моддалари ва бандларини таҳрир қилаётганини маълум қилди.

Akorda.kz.

>>> Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Иккинчи АЭС ва Покистонга экспорт қилинадиган автобуслар

Report:

**Қозоғистон Покистонга 600та
электр автобус экспорт қилади**

Исломободда давлат раҳбарлари иштирокида Қозоғистон – Покистон бизнес-анжумани ўтди. Учрашув давомида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янги bosқичга кўтарадиган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Қозоғистоннинг «Falcon EuroBus» компанияси Покистон бозорига 600та электр автобус экспорт қилиши кўзда тутилган.

2027-2028 йилларда Покистонга экспорт қилинадиган автобуслар сони 2 мингга етади.

Қозоғистон – Покистон бизнес-анжумани натижаларига кўра, қарийб 200 миллион долларлик 30дан зиёд тижорат ҳужжатлари имзоланди. Шартномалар молия, логистика, саноат, энергетика, агросаноат мажмуаси, рақамлаштириш ва инфратузилма соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган.

The Times of Central Asia:

Иккинчи АЭС учун жой аниқланди

Қозоғистон иккинчи атом электр станцияси учун жойни расман тасдиқлади. Ҳукумат қарорига кўра, иншоот Алмати вилоятининг Жамбил туманида, мамлакатнинг биринчи атом электр станцияси учун танланган жой яқинида барпо этилади.

Хитойнинг CNNC компанияси билан мамлакатда иккинчи ва учинчи атом электр станцияларини қуриш бўйича шартнома имзоланди. Биринчи атом электр станциясини Россиянинг «Росатом» корпорацияси барпо этади.

Қурилиш майдони Балхаш кўли бўйида, Алматидан тахминан 400 чақирим масофада



жойлашган. Шундай қилиб, Қозоғистондаги дастлабки иккита атом электр станцияси мамлакатнинг жанубий минтақасида қад ростлайди.

ТАСС:

**Конституциявий ислоҳот бўйича
референдум ўтказиш ташаббуси
кўтарилди**

Мажлис депутати, «Respublika» партияси етакчиси Айдарбек Қўжаназаров муҳокама қилинаётган Конституциянинг айрим моддалари қайта қўриб чиқилгандан сўнг, янги Конституция лойиҳасини умумхалқ референдумига тақдим этиш масаласини илгари сурди.

Айдарбек Қўжаназаровнинг сўзларига кўра, ислоҳот муҳокамаси олти ойдан зиёд вақтдан буён давом этмоқда. Янги Конституция лойиҳаси касбий ҳуқуқшунослар, турли соҳалардаги мутахассислар ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган.

Anadolu:

**Афғонистон ва Марказий Осиёга
ғалла экспорти ортмоқда**

Афғонистонга ғалла экспорти ҳажми сезиларли даражада ошмоқда. 2025 йил сентябрдан 2026 йил 31 январгача ушбу мамлакатга экспорт ҳажми 1,9 бараварга ошиб, 216 минг тоннадан 416 минг тоннагача етди.

Агентлик маълумотларига кўра, Қозоғистон минтақада ғалланинг асосий етказиб берувчиси сифатидаги ўрнини сақлаб, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаяпти ҳамда ташиш географиясини кенгайтиряпти.

Жаҳон ОАВ маълумотлари асосида.

**ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 2026 ЙИЛ
30 ЯНВАРЬ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЛОЙИҲАСИ АҲБОРОТ
ТАРЗИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА.
РАСМИЙ МАТН – GOV.KZ САЙТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАВЛАТ
ТИЛИДАГИ НУСХА ҲИСОБЛАНАДИ.**

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

41-модда

1. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари фақат қонун билан конституциявий тузум асосларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлиқни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг соғлигини ҳамда жамият маънавиятини муҳофаза қилиш мақсадида зарур бўлган даражада чекланиши мумкин.

2. Миллатлараро ва динлараро тотувликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар Конституцияга зид деб эътироф этилади.

3. Сиёсий сабабларга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай шаклда чеклашга йўл қўйилмайди. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 13, 15, 17, 20, 22 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар қандай шароитда чекланиши мумкин эмас.

**III БЎЛИМ
ПРЕЗИДЕНТ
42-модда**

1. Қозоғистон Республикасининг Президенти – давлат раҳбари, давлатнинг олий мансабдор шахси бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ҳамда мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Қозоғистон Республикаси номидан иш кўради.

2. Қозоғистон Республикасининг Президенти – халқ бирлиги ва давлат ҳокимиятининг рамзи ва кафолати, Конституциянинг дахлсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

3. Қозоғистон Республикаси Президенти давлат ҳокимиятининг барча тармоқларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва тўсиқсиз фаолиятини, давлат ҳокимияти тузилмаларининг ягона Қозоғистон халқи олдидаги масъулиятини таъминлайди.

43-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Президенти конституциявий қонунга мувофиқ, Қозоғистон Республикасининг вояга етган фуқаролари томонидан умумий, тенг ва бевоқиф сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Бир шахс Конституцияга мувофиқ Қозоғистон Республикасининг Президенти этиб бир мартадан ортқ сайланиши мумкин эмас.

2. Қозоғистон Республикасининг Президенти этиб тутилгандан Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган, қирқ ёшдан ошган, давлат тилини эркин биладиган, сўнги ўн беш йил давомида Қозоғистон ҳудудида доимий яшаган, олий маълумотга эга ҳамда давлат хизматида ёки сайланадиган давлат лавозимларида қамада беш йил иш тажрибасига эга бўлган шахс сайланиши мумкин.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловлари унинг ваколатлари муддати тугашидан икки ой аввал ўтказилади ҳамда Қозоғистон Республикаси Қурултойининг янги таркибини сайлаш билан бир вақтда тўғри келмаслиги керак.

4. Сайловчилар овозларининг эллик фоизидан ортигини олган номзод сайланиб деб ҳисобланади. Агар ҳеч бир номзод эллик фоиздан ортқ овоз ололмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида қайта сайлов ўтказилади. Сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган номзод сайланиб деб ҳисобланади.

5. Ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари ўзгартirilмас ҳисобланади.

44-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти қуйидаги қасамдҳни халқ олдида қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришад:

«Қозоғистон халқига сидқидилдан хизмат қилишга, Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий амал қилишга, Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида юклатилган олий масъулиятли вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамдҳ қиламан».

2. Қасамдҳ сайлов натижалари расман эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Қозоғистон Республикаси Қурултойи депутатлари, Конституциявий суд ва Олий суд судьялари, собиқ Президентлар, шунингдек, жамоатчилик ва таклиф этилган хорижий фуқаролар иштирокида қабул қилинади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида назарда тутилган ҳолларда, Президент ваколатларини вақтинча қабул қилган шахс қуйидаги муддатларда қасамдҳ қилади:

- ихтиёрий истеъфо берилиши;
- соғлиги туфайли ўз вазифаларини бажаришга қобилиятсизлиги;
- лавозимидан четлатилиши;
- ёки вафоти муносабати билан – мазкур ҳолат юзга келган кундан бошлаб етти кун ичида.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг ваколатлари янги сайланган Президент лавозимга киришган пайтдан бошлаб, шунингдек, ихтиёрий истеъфо, соғлиги туфайли вазифаларини бажара олмаслиқ, лавозимидан четлатилиш ёки вафот этиши ҳолларида тугатилади.

Лавозимидан четлатилганлардан ташқари барча собиқ Президентларга Қозоғистон Республикасининг экс-Президенти унвони берилади.

45-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти вакиллик тузилмаларига депутат этиб сайланишга, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллашга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

2. Ўз ваколатларини амалга ошириш даврида Қозоғистон Республикаси Президенти сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг яқин қариндошлари сиёсий давлат хизматчилари, шунингдек, квазидавлат шўъба субъектлари раҳбарлари лавозимларини эгаллашга ҳақли эмас.

46-модда

Қозоғистон Республикаси Президенти:

1) мамлакатдаги вазият ва Қозоғистон Республикасининг ички ҳамда ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида Қозоғистон халқига Мактуб йўллади;

2) Қурултой депутатларининг умумий сонининг кўпчилиги овози билан берилган розилиги асосида Қозоғистон Республикаси Президент ўринбосарини лавозимга тайинлайди; Қозоғистон Республикасининг Президент ўринбосарини лавозимидан озод қилади, унинг ваколатларини белгилайди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Президент ўринбосарини лавозимга тайинлашга розилик

бериш масаласида Қурултой томонидан такроран рад жавоби берилган тақдирда Қурултойни тарқатиб юборади;

3) Қозоғистон Республикаси Қурултойининг навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларини тайинлайди; Қурултойнинг биринчи сессиясини чақиради ва унинг депутатларидан Қозоғистон халқи олдида қасамдҳ қабул қилади; навбатдан ташқари сессияни чақиради; Қурултой томонидан тақдим этилган қонунни бир ой ичида имзолайди ва эълон қилади ёки қонунни ёҳуд унинг айрим моддаларини такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун қайтаради;

4) Қурултойда тақдим этилган сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлардан сўнг Қурултойнинг розилигини олиш учун Қозоғистон Республикаси Бош вазири номзодини тавсия қилади; Қурултой депутатларининг кўпчилик овози билан билдирилган розилиги асосида Бош вазирни лавозимга тайинлайди ва уни лавозимидан озод этади; Бош вазир тавсиясига кўра Ҳукумат тузилмасини белгилайди; Қурултой билан маслаҳатлашувлардан сўнг Бош вазир тавсияси асосида Ҳукумат аъзоларини лавозимга тайинлайди; ташқи ишлар, мудоффа ва ички ишлар вазирларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади; Ҳукумат аъзоларидан қасамдҳ қабул қилади; алоҳида муҳим масалалар бўйича Ҳукумат мажлисларига раислик қилади.

Қурултой Қозоғистон Республикаси Бош вазирини тайинлашга розилик бериш масаласида такроран рад жавобини берса, Президент Қурултойни тарқатиб юборади.

5) Конституциявий суд раиси, Олий суд раиси, Миллий банк раиси, Бош прокурор, Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси, Марказий сайлов комиссияси раиси, Олий аудит палатаси раиси, Олий судьялар кенгаши раиси, Давлат муҳофазаси хизмати бошлиғи ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилни лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

6) Президентга бевосита буйсунувчи ва ҳисобот берувчи давлат идораларини ташкил этади, тугатади ва қайта ташкил қилади, шунингдек, уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

7) Қозоғистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва чақириб олади;

8) Қурултой депутатларининг кўпчилик овози билан билдирилган розилиги асосида саккиз йил муддатга Конституциявий суднинг ўн нафар судьясини, беш йил муддатга Марказий сайлов комиссиясининг олти нафар аъзосини ва беш йил муддатга Олий аудит палатасининг саккиз нафар аъзосини лавозимга тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади.

Қурултой мазкур лавозимларга тайинлаш масаласида такроран рад жавобини берса, Президент Қурултойни тарқатиб юборади.

9) Қозоғистон Республикаси Қурултой Кучларининг Олий Бош Қўмондончи ҳисобланади, Қурултой Кучларнинг олий қўмондонлик таркибини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

10) умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

(Давоми 2-бетда.) ➤

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

11) инсоннинг ҳамда Қозоғистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлиқни, давлат суверенитети ва худудий яхлитлигини таъминлаш мақсадида Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида назарда тутилган ҳолларда, кучга кирган қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг Қозоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини кўриб чиқиш ҳамда хулоса бериш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат йўллайди;

12) Қозоғистон Республикаси номидан халқаро шартномалар бўйича музокаралар олиб боради ва уларни имзолайди; ратификация ёрликларини имзолайди; Қозоғистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик вакилликлари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарларининг ишонч ва қақриб олиш ёрлиқларини қабул қилади;

13) Қозоғистон Республикасининг давлат мукофотлари ва фахрий унвонларини таъсис этади;

14) Қозоғистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлайди, фахрий унвонлар, олий ҳарбий унвонлар, рутбалар, дипломатик даражалар ҳамда малака тоифаларини беради;

15) Қозоғистон Республикаси фуқаролиги, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳал қилади;

16) афв этишини амалга оширади;

17) Қозоғистон Республикасининг мустақиллиги, худудий яхлитлиги, ички сиёсий барқарорлиги ва фуқаролар хавфсизлигига бевосита таҳдид туғилган, натижада давлатнинг конституциявий идоралари фаолияти издан чиққан ҳолларда, Бош вазир ва Қурултой раиси билан расмий маслаҳатлашувлардан сўнг, мазкур ҳолатлар тақозо этган чора-тадбирларни, шу жумладан, бутун мамлакат ҳудудида ёки унинг айрим ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳамда Қуруллой Кучларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади;

18) Қозоғистон Республикасига нисбатан тажовуз ёки унинг хавфсизлигига бевосита ташқи таҳдид мавжуд бўлган вазиятларда, мамлакат ҳудудида ёки унинг айрим ҳудудларида ҳарбий ҳолат жорий этади, қисман ёки умумий сафарбарлик эълон қилади ва бу ҳақда дарҳол Қурултойни хабардор қилади;

19) Президентга бўйсунувчи Давлат муҳофазаси хизматини ташкил этади;

20) Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятини шакллантиради;

21) Хавфсизлик кенгашини, бошқа маслаҳат ва маслаҳатлашув тузилмаларини, шунингдек, Олий судьялар кенгашини ташкил этади;

22) Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

47-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунлар асосида, уларни амалга ошириш мақсадида, Қозоғистон Республикасининг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга бўлган фармон ва қарорлар чиқаради.

2. Қурултой ваколатлари мuddатидан аввал тугатилиши муносабати билан унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган даврда Қозоғистон Республикаси Президенти конституциявий қонунлар ёки қонунлар кучига эга бўлган фармонлар қабул қилади.

3. Қонунлар Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан имзоланишидан олдин Қурултой раиси ва Бош вазирнинг имзолари билан тасдиқланади, улар ушбу қонунларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Қозоғистон Республикаси Президентининг Ҳукумат ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатлари Бош вазирнинг имзоси билан тасдиқланади, у мазкур ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги учун масъул ҳисобланади.

48-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президентининг шахси, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир.

Қозоғистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида содир этган ҳаракатлари учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди, давлатга хиёнат қилиш ҳоллари бундан мустасно.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти ва унинг оила аъзоларининг таъминоти, хизмат кўрсатиш ҳамда муҳофаза қилиш давлат ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ушбу модданинг қоидалари Қозоғистон Республикасининг собиқ Президентларига ҳам таътиқ этилади.

49-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Президенти ўринбосари Қозоғистон Республикаси Президенти қонундан Қурултой депутатларининг кўпчилик овози билан берилган розилиги асосида лавозимга тайинланади.

2. Қозоғистон Республикасининг Президенти ўринбосари вакиллик тузилмасыга депутат этиб сайланишга, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллашга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

3. Президент ўринбосари ўз ваколат-

ларини амалга ошириш даврида сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

4. Қозоғистон Республикасининг Президенти ўринбосари:

1. Президент топшириғига биноан Қозоғистон Республикасининг халқаро майдондаги манфаатларини ифода этади;

2. Қурултой, Ҳукумат ва бошқа давлат идоралари билан ўзаро муносабатларда Президент номидан иш олиб боради;

3. Президент топшириғига мувофиқ Қозоғистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий, маданий-маърифий ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

4. Президент белгиладиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

50-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Қозоғистон Республикаси Конституциявий судига ариза бериш орқали ихтиёрий равишда истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга. Конституциявий суд Президентнинг истеъфо тўғрисидаги аризани шахсан ва ихтиёрий тарзда берганини тасдиқлайди. Конституциявий суд хулосаси берилган пайтдан эътиборан Президент ихтиёрий истеъфо муносабати билан лавозимидан озод этилган ҳисобланади.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти бетоблиги туфайли ўз ваколатларини узоқ мuddат давомида бажара олмаган тақдирда мuddатидан олдин лавозимидан озод қилиниши мумкин. Бундай ҳолда Қурултой депутатлар ҳамда тегишли тиббиёт соҳалари мутахассисларидан иборат комиссия тузади. Muddатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги қарор комиссия хулосаси ва Конституциявий суднинг белгиланган конституциявий тартибга риоя этилганлиги ҳақидаги хулосаси асосида Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида тўртдан уч қисмининг овози билан қабул қилинади.

3. Қозоғистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида содир этган ҳаракатлари учун фақат давлатга хиёнат қилган тақдирдагина жавобгар бўлади ва шу асосда Қурултой томонидан лавозимидан четлатилиши мумкин. Қозоғистон Республикаси Президентини давлатга хиёнат қилди, деб айблаш ва уни тергаб-текшириш тўғрисидаги ташаббусни Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида учдан бири кирита олади. Ушбу масала бўйича қарор Қурултой депутатларининг умумий сонидан кўпчилик овози билан қабул қилинади. Айблов юзасидан тергов қилиш Қурултой томонидан ташкил этилади ва унинг натижалари Қурултой йиғилиши кун тартибига киритилади. Якуний қарор Олий суднинг айблов асосли эканлиги тўғрисидаги хулосаси ҳамда Конституциявий суднинг белгиланган тартибга риоя этилгани ҳақидаги хулосаси мавжуд бўлган ҳолларда, Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида тўртдан уч қисмининг овози билан қабул қилинади. Айблов қўйилган кундан эътиборан икки ой мобайнида якуний қарор қабул қилинмаса, айблов рад этилган деб ҳисобланади. Айблов исталган босқичда рад этилган тақдирда, мазкур масалани кўтарган Қурултой депутатларининг ваколатлари мuddатидан олдин тугатилади.

4. Қозоғистон Республикаси Президенти Қурултой ваколатларини мuddатидан олдин тугатиш масаласини кўриб чиқаятган даврда уни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин эмас.

51-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти ихтиёрий равишда истеъфога чиқса, бетоблиги туфайли ўз ваколатларини барқарор равишда бажара олмаса ёки лавозимидан четлатилса, шунингдек, вафот этган тақдирда унинг ваколатлари Қозоғистон Республикасининг Президенти ўринбосарига ўтади. Агар Президенти ўринбосари бетоблиги ёки бошқа шахсий сабабларга кўра Президент ваколатларини қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмаса, Президент ваколатлари Қозоғистон Республикаси Қурултойи Раисига ўтади. Қурултой Раиси ҳам мазкур ваколатларни қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмаса, Президент ваколатлари Қозоғистон Республикасининг Бош вазирига ўтади.

Президент ваколатларини қабул қилиб олишдан бош торган шахс бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Конституциявий судига ариза беради. Конституциявий суд ушбу аризанинг шахсан ва ихтиёрий равишда берилганини тасдиқлайди ҳамда тегишли хулоса чиқаради.

Президент ваколатларини қабул қилиб олган шахс ўз навбатида Президент ўринбосари, Қурултой Раиси ёки Бош вазир ваколатларидан воз кечади. Бу ҳолда бўшаб қолган давлат лавозимлари Конституцияда белгиланган тартибда тўлдирилади.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимидан мuddатидан олдин озод этилган ёки вафот этган кундан эътиборан етти кун ичида Қозоғистон Республикаси Қурултойи Президент сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Президент сайлови мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки ой ичида ўтказилади.

3. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ Президент ваколатларини вақтинча ўз зиммасига олган шахс Қозоғистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббусини кўтаришга, шунингдек, Қурултойни тарқатиб юборишга ҳақли эмас.

IV БЎЛИМ**Қурултой****52-модда**

1. Қозоғистон Республикаси Қурултойи – Қозоғистон Республикасининг қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширувчи олий вакиллик тузилмасидир.

2. Қурултой ваколатлари унинг биринчи сессияси очилган пайтдан бошланади ва янги қақриқ Қурултойининг биринчи сессияси бошланиши билан тугайди.

3. Қурултой ваколатлари Конституцияда белгиланган ҳолатлар ва тартибда мuddатидан олдин тугатилиши мумкин.

4. Қурултойнинг ташкил этилиши ва фаолияти, унинг депутатларининг ҳуқуқий мақоми конституциявий қонун билан белгиланади.

53-модда

1. Қурултой конституциявий қонунда белгиланган тартибда ягона умуммиллий сайлов округи ҳудуди бўйича мутаносиб вакиллик тизими асосида сайланадиган юз қирқ беш нафар депутатдан иборат бўлади.

2. Қурултой депутатларининг ваколат мuddати – беш йил.

54-модда

1. Қурултой депутатлари барча учун ягона, тенг ва бевосита сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Депутатларнинг навбатдаги сайлови амалдаги Қурултойнинг ваколат мuddати тугашидан камида икки ой олдин кечиктирилмай ўтказилиши керак.

2. Қурултой депутатларининг навбатдан ташқари сайлови Қурултойнинг ваколати мuddатидан аввал тугатилган кундан бошлаб икки ой ичида ўтказилади.

3. Йигирма беш ёшга тўлган, Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган ва сўнгги ўн йил мобайнида унинг ҳудудида доимий яшаб келган шахс Қурултой депутати этиб сайланиши мумкин.

4. Қурултой депутатлари сайлови конституциявий қонун билан тартибга солинади.

5. Қурултой депутатлари Қозоғистон халқига қасамёд қилади.

55-модда

1. Қурултой депутатлари унинг фаолиятида иштирок этиши шарт. Қурултойда овоз бериш депутат томонидан шахсан амалга оширилади. Узрли сабабсиз Қурултой ва унинг тузилмалари мажлисларида уч мартадан ортиқ қатнашмаслик, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга топшириш қонун билан белгиланган жазо чоралари қўрилишга олиб келади.

2. Қурултой депутати бошқа вакиллик тузилмасининг депутати бўлишига, ўқитувчилик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллашга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, тижорат ташкилотларининг раҳбар идораси ёки қузутов кенгаши аъзоси бўлишга ҳақли эмас. Ушбу талабларга риоя қилмаслик депутатлик ваколатларининг тўхтатилишига олиб келади.

3. Қурултой депутати ўз ваколат мuddати давомида жиноят содир этилаётган жойда ёки оғир ва ўта оғир жиноятларда айбланиб қўлга олинishi ҳолатларидан ташқари, Қурултой розилигисиз ҳибсга олинishi, судга чақирилиши, маъмурий жазо ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

4. Қурултой депутати ваколатлари унинг истеъфога чиқиши, вафоти, суднинг қонуний кучга кирган қарори билан муомаллага лаёқатсиз, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилиши, шунингдек, Конституция ва конституциявий қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади.

Қурултой депутати қуйидаги ҳолларда ўз мандатидан маҳрум этилади:

1. Қозоғистон ҳудудидан ташқарида доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

2. унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

3. Қозоғистон Республикаси фуқаролиги бекор қилинганда;

4. сайланган сиёсий партия сафидан чиққан ёки ундан чиқарилган тақдирда;

5. депутат сайланган сиёсий партия фаолияти тугатилганда.

Қурултой тарқатиб юборилган ҳолатда барча депутатларнинг ваколатлари тугайди.

5. Депутатларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш, мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя этилишини, депутатлик одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши, шунингдек, депутат ваколатларини тугатиш ва дахлсизликдан маҳрум этиш масалаларини тайёрлаш Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

56-модда**Қурултой:**

1) конституциявий қонунлар ва қонунларни қабул қилади;

2) Президент эътироз билдирган қонун ёки унинг моддаларини бир ой мuddат ичида қайта муҳокама қилади ва

овозга қўяди. Бу мuddатга риоя қилинмаса, Президент эътирозларининг қабул қилинганини аңглатади, яъни, қонун ўз кучини йўқотмайди ва қабул қилинган ҳисобланади. Агар Қурултой конституциявий қонун ёки унинг моддалари бўйича депутатлар умумий сонининг тўртдан уч қисми, қонун ёки унинг моддалари бўйича эса учдан икки қисми овози билан Президент эътирозларини еңгиб ўтса, Президент бир ой ичида қонунни имзолайди. Агар эътирозлар еңгиб ўтилмаса, қонун қабул қилинмаган деб ҳисобланади ёки Президент тақлиф этган таҳрирда қабул қилинади;

3) уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилади;

4) Президент тақлифига мувофиқ Қозоғистон Қуруллой Кучларидан халқаро тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлашда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5) Президент сайловларини эълон қилади;

6) умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илгари суради;

7) Қурултой депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан Президентга Президент ўринбосарини тайинлашга розилик беради;

8) Бош вазирни тайинлашга розилик беради;

9) Конституциявий суд судьялари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Олий аудит палатаси аъзоларини тайинлашга розилик беради;

10) Олий суд судьяларини сайлайди ва лавозимидан озод қилади, уларнинг қасамёдини қабул қилади;

11) Конституциявий суд ва Олий суд судьяларини дахлсизликдан маҳрум қилади;

12) Қурултой депутати ваколатини тугатади ҳамда Бош прокурорнинг тавсиясига кўра депутатни дахлсизликдан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилади;

13) депутатлар умумий сонининг камида бешдан бир қисмининг ташаббуси билан Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириши мумкин;

14) Конституциявий суднинг йиллик ҳисоботини тинглайди;

15) Олий аудит палатаси раиси ҳисоботини йилгига икки марта тинглайди;

16) республика бюджети ижроси бўйича Ҳукумат ва Олий аудит палатаси ҳисоботларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

17) депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқига эга;

18) ўз ваколатлари доирасида парламент тингловларини ўтказади;

19) ўз фаолияти регламентини ва ички тартибга оид бошқа қарорларни қабул қилади;

20) Қурултойнинг мувофиқлаштирувчи ва ишчи тузилмаларини шакллантиради;

21) комиссиялар тузади, уларнинг раисларини сайлайди ва озод қилади;

22) Конституция доирасида юклатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

57-модда

1. Қурултойга давлат тилини эркин билувчи депутатлар орасидан сайланадиган Раис раҳбарлик қилади. Қурултой Раиси номзоди Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилади ва Қурултой депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан яширин овоз бериш йўли орқали сайланади. Қурултой Раисини қайта-қайта сайлаш рад этилган ҳолатларда, Президент Қурултойни тарқатади.

1. Қурултой Раиси депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан амалдаги лавозимидан қақриб олиниши ёки истеъфога чиқиши мумкин.

2. Қурултой Раиси:

1. Қурултой мажлисларини қақриб туради ва уларга раислик қилади;

2. Қурултой муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3. Қурултой Раисининг ўринбосарлари лавозимларига сайлаш учун номзодларни Қурултойга тақдим этади;

4. Қурултой фаолиятида регламента риоя этилишини таъминлайди;

5. Қурултойнинг мувофиқлаштирувчи идораси фаолиятига раҳбарлик қилади;

6. Қурултой томонидан қабул қилинган ҳужжатларни имзолайди;

7. Қурултой регламентида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

3. Агар Конституцияда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Қурултой сессияларини Раис очади.

4. Ўз ваколатлари доирасида Қурултой Раиси фармойишлар чиқаради.

58-модда

1. Қурултой сессияси мажлислар шаклида ўтказилади.

2. Қурултойнинг биринчи сессияси сайлов ақунлари расман эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Президент томонидан чақирилади.

3. Қурултойнинг навбатдаги сессиялари ҳар йили сентябрь ойининг биринчи иш кунидан июнь ойининг охириги иш кунига қадар ўтказилади.

4. Қурултой сессияси, одатда, Президент томонидан очилади ва Қурултой мажлисида ёпилади. Сессиялар оралигида Президент ўз ташаббуси билан, Қурултой Раисининг тақлифига кўра ёки депутатлар умумий сонининг камида

учдан бир қисми ташаббуси билан навбатдан ташқари сессия қақриши мумкин. Бунда фақат сессияни қақришга асос бўлган масалалар кўриб чиқилади.

5. Қурултой мажлислари депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

6. Қурултой мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Регламентда назарда тутилган ҳолларда ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Қозоғистон Республикаси Президенти, Президент ўринбосари, Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари, Қозоғистон Халқ Кенгаши Раиси, Миллий банк раиси, Бош прокурор, Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси ҳар қандай мажлисларда иштирок этиш ва сўзга чиқиш ҳуқуқига эга.

59-модда

1. Қурултой конституциявий қонун билан белгиланадиган сонига мувофиқ доимий қўмиталар ва комиссияларни тузади.

2. Қўмиталар ва комиссиялар ўз ваколатлари доирасида қарорлар чиқаради.

3. Қўмиталар ва комиссияларни тузиш тартиби, уларнинг ваколатлари ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари қонун билан белгиланади.

60-модда

1. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Қозоғистон Республикаси Президентига, Қурултой депутатларига, Ҳукуматга ва Қозоғистон Халқ Кенгашига тегишли бўлиб, фақат Қурултойда амалга оширилади.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти қонун лойиҳаларини биринчи навбатда кўриб чиқилиш устуворлигини белгилаши мумкин, яъни тегишли қонун лойиҳалари икки ой ичида қабул қилинишини таъминлайди.

3. Қурултой жамият ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек, қуйидагиларга оид асосий тамойиллар ва меъёрларни белгилаб бевуқни қонунларни қабул қилиш ҳуқуқига эга:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбуриятлари ва масъулияти;

2) мулкчилик тартиби ва бошқа мулк ҳуқуқлари;

3) давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини ташкил этиш, давлат ва ҳарбий хизматнинг асослари;

4) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш ёки бекор қилиш;

САМАРАЛИ ТИЗИМ: УНУМЛИ ФАОЛИЯТ УЧУН

Қозоғистон истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун самарали онлайн-дастур фаолият юритмоқда. Бу ҳақда Туркистон вилоят савдо ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаменти бош мутахассиси Марғулан Амангелди билан мулоқотда бўлдик.



– Мамлакатимизда рақамлаштириш ислоҳоти доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, соҳамизда ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилган. Бу истеъмолчи учун ниҳоятда қулай дастак. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-3 моддасига мувофиқ, бу ягона ахборот тизими сифатсиз маҳсулотлар ва хизматларга тегишли арз-шикоятларни автоматлаштирилган ҳолда қабул қилади ва кўриб чиқади. Истеъмолчилар сотувчилар ва ваколатли идоралар билан бевосита алоқага чиқиш имконига эга бўладилар, ҳатто суд олди низоларни ўзаро ҳал қилишга ҳам ёрдами бор.

Ягона ахборот тизими имкониятлари кенг қамровли. Бу тизим орқали истеъмолчилар товар ва хизматларга оид ҳуқуқлар бузилса, бевосита онлайн ариза топширишлари мумкин. Сотувчи тизим орқали истеъмолчи сўровини қабул қилиб, кўриб чиқиш имкониятига эга. Истеъмолчи эса ўз навбатида, мурожаатини судгача, очик ва шаффоф ҳолда назорат қилиши мумкин.

– Демак, бу тизим орқали даъвогар аризасини идорама-идора юрмасдан, ҳеч қаерда рўйхатга олдирмасдан, бема-лол сайтда қолдириши мумкин экан-да?

– Албатта, лекин барча аризалар ҳам бирдек қабул қилинмайди. Жумладан, истеъмолчи фақат сифатсиз товарлар ёки хизматларга оид норозилигини эълон қилиши мумкин, яна етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволарини (моддий ва маънавий) ҳам кўрсатиши мумкин. Судга йўлланадиган даъволар ягона ахборот тизими орқали қабул қилинмайди. Чунки бу дастак судгача бўлган баҳс-мунозараларни ҳал қилишга мўлжалланган.

– Бир мисол келтирсангиз...

– Дейлик, бир фуқаро сотувчидан маҳсулот харид қилди, товар сифатсиз чиқди, харидор бу ҳақда сотувчини хабардор қилди, лекин томонлар ўзаро келиша олмадилар. Маҳсулотнинг сифатсизлиги тасдиқланса, даъвогар ягона ахборот тизимига мурожаат қилиб, ўз аризасини ёки мурожаатини қолдириши мумкин. Мурожаат сотувчига йўлланади ва уни кўриб чиқиш жараёни ваколатли ташкилот томонидан назоратга олинади. Натижада истеъмолчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкони пайдо бўлади. Агар яна ҳам оддийроқ тушунтирсам, истеъмолчи ИИН орқали e-tutunshy.kzдан рўйхатдан ўтади (шахсий кабинет) ва ўз мурожаатини (ҳуқуқлари қай тарзда бузилганини батафсил ифодалаши керак) йўллайди. Фотосурат, тегишли маълумотнома ёки ҳужжатларни қўшиб кўрсатиши керак. Даъво автомат равишда сотувчига етказилади. Агар сотувчи жавоб бермаса ёки айбини тан олмаса, ариза автомат равишда давлат идораларига йўлланади. Харидор SMS хабарлар (eGov) орқали вазиятни кузатиб боради. Агар баҳс шу йўл билан ҳал бўлмаса, унда тизим истеъмолчига судга ҳужжат тайёрлашига ёрдам беради. Чунки бу тизим зиддиятли ҳолатларни суд аралашувисиз, томонлар ўртасида ўзаро жадаллик билан ҳал қилиш учун яратилган. Бу тизим “ягона дарча” тамойили асосида, истеъмолчига қулай ва осон бўлиши учун ташкил этилган.

– Ҳозир бу тизим бенуқсон ишляптими?

– Ҳа, камчиликсиз фаолият юритмоқда. Ҳар бир фуқаро уяли телефони ёки компютери ёрдамида ундан фойдаланиши мумкин. Юқорида айтганимдек, истеъмолчи давлат идораси ёки судгача, шахсан ўзи харидор билан ўзаро келишиб олишга ҳаракат қилиши керак. Агар сотувчи 10 кун давомида бу масалани ижобий ҳал қилмаса, унда истеъмолчи ваколатли идораларга мурожаат эта олади. Бу тизимдан фойдаланиш учун ҳар бир тижорат ёки савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ташкилотга QR-код берилган ва у кўринадиган жойда туриши керак. Масалан, савдо дўконига кираверишдаги эшикда. Истеъмолчи ҳуқуқи бузилгани маълум бўлса, у QR-кодни сканерлайди ва тизимга кирди. Рақамлаштирилган тизим дарҳол тегишли манзилга хабар етказди. Бу томонлар вақтини тежайди, яна ҳуқуқий саводхонлигини ҳам оширади.

– Ушбу мавзуга оид бошқа саволлар бўлса, истеъмолчи қаерга мурожаат қилиши мумкин?

– Туркистон вилоят Савдо ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаментига. Манзил: Туркистон шаҳри, 32-кўча, 16-бино, 4-қават, 427-хона. Тел: 87006060071.

– Суҳбат учун раҳмат.

Н. МАВЛОНОВА.

ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жетисай туман ҳокими Серик Мамитов қишлоқлардаги томорқа ерлар ва деҳқон хўжалиқларининг фаолияти билан танишиб, қарам кўчатлари ҳамда қулпуннай етиштириш билан шуғулланадиган иссиқхоналарга ташриф буюрди. Туман раҳбари амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди ва хўжалик деҳқонлари билан мулоқотда бўлди.

Тумандаги умумий 79 215,7 гектар экин майдонларининг 3 033, 983 гектари томорқа ерлар. Ушбу ҳудуднинг 2 624,8 гектари ишлаб чиқариш мақсадлари учун, 312, 467 гектарида эса кўп йиллик экинлар экилган. Фойдаланилаётган томорқа ерларнинг 31,1 гектарига қарам, 0,11 гектарига хўжага, қулпуннай ва қорағат экилган.

Етиштирилаётган маҳсулотлар асосан маҳаллий бозорлар ва дўконларда сотилади. Бу йўналишдаги ишлар қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш ва ўзини-ўзи банд қилиш даражасини юксалтириш имконини беради. Деҳқонлар билан мулоқот давомида туман ҳокими томорқадаги ердан самарали фойдаланиш қишлоқ иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим дастаги эканлигини таъкидлади ва соҳа мутахассисларига аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни топширди.

Серик Усенули томорқада экин экиб, иссиқхона билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун “Қишлоқ омонати” дастури доирасида 2,5 фоизли имтиёзли насия бераётганини маълум қилиб, бундан самарали фойдаланишга чақирди.

Туман раҳбари мутасадди бўлимлар раҳбарларига иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, кўчат етиштириш ҳажмини ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Туман ҳокимининг матбуот хизмати.

ТАРИХГА ТАЪЗИМ, ТАБИАТГА ҒАМХЎРЛИК



«Тоza Қозоғистон» умуммиллий ташаббуси доирасида «АМАНАТ» партияси томонидан «Тоza пайшанба» акцияси ҳам тизимли равишда ўтказилмоқда. Яқинда мазкур экологик акция Сайрам туманининг Орис қишлоғига қарашли Хўжақўрғон аҳоли манзилида Улуғ Ватан уруши фахрийлари хиёбонида ташкил этилди.

Унда туман маслаҳати депутати Камолиддин Тожиев, Орис қишлоқ округи ҳокими Иристой Ортиқов, «АМАНАТ» партияси Сайрам туман филиали вакиллари Нурбек Асылбек, Ғулломжон Ирисқелдиев, шунингдек, Т. Рустамов номли мактаб раҳбарияти, «Керікті Сайрам» муассасаси ходимлари, қишлоқ ҳокимлиги ва мактаб жамоаси иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тоштемир Рустамовга бағишланган ёдгорлик лавҳаси атрофида ва Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хиёбонида тозалик ишларини олиб бордилар. Шунингдек, кўча қордан тозалашиб, йўлларга қум ва туз сеппилди.

Тадбирда сўз олган Орис

қишлоғи ҳокими Иристой Ортиқов Давлат раҳбари Қ. Тўқаев ташаббуси билан ўтаётган «Тоza Қозоғистон» лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, озодалик ва интизомнинг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан

бирга, уруш фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат ёш авлод учун юксак тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

«Тоza пайшанба» тадбири атроф-муҳитни тозалаш, тарихга таъзим, ўтмишга ҳурмат

бажо келтириш, бугунги авлодда умумий масъулият ҳиссини шакллантирадиган аҳамиятли тадбирдор.

«АМАНАТ» партиясининг вилоят филиали матбуот хизмати.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



моқлар: ҳомийлар (хайрия), тадбиркорлар, ижод ва санъат йўналишида – бадий ҳаваскорлик дасталари, таълим (ўзбек таълими мавжуд мактаблар ўқитувчилари), спорт кабилар ҳам ўз вакилларига эга бўлди.

Раис жорий йилда бирлашма томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тафсилотида тўхталар экан, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ҚХА аъзолари зимма-

ўзига хослиги ва ахлоқига, динимизга тўғри келмайдиган, бошқа мамлакатлардан урф бўлиб кириб келаётган тўй-маросимларимиз, улардаги исрофгарчилик, ёшларимиз ўртасида, айниқса, никоҳ тўйларидаги бемаъни урфлар (қув сатар ва ҳроказолар) бизни ташвишга солади. Уларни буткул тақиқлашга ҳаққимиз йўқ, лекин тушунтириш ишларини олиб боришга, милли-



Мажлисни очган шаҳар ЎЭМБ раиси Тоҳирбек Нишонбоев бирлашма қошидаги Оқсоқоллар ва Оналар кенгашлари раисларини сайлаш масаласига тўхтади. Бир овоздан Оқсоқоллар кенгашига номзод Ўктам Иброҳимов, Оналар кенгашига эса Фароғат Ҳожиметова сайланди. Ўз навбатида, Оқсоқоллар кенгашининг аввалги раиси Саидвали

Отахўжаев шаънига ҚР ЎЭМБ “Дўстлик” ҳамжамияти Оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров илиқ сўзлар айтиб, хизматларини алоҳида таъкидлади.

Мажлисида бирлашманинг янги таркиби ҳам тасдиқланди. Шунингдек, Ёшлар қаноти раиси, аъзолари сайланди. Жамият фаолиятини мувофиқлаштирувчи таркибий тар-

сига юклаган топшириқ-вазифалари ижроси, шунингдек, ҚР янги Конституцияси лойиҳаси борасида жамоатчиликда қизғин муҳокама қилинаётган тақлиф-мулоҳазалар ҳақида баён қилди.

– Кун тартибда ижтимоий ҳаётимизга кенг кириб бораётган иллат-унсурларга қарши кураш масаласи ҳам кўндаланг турибди. Миллатимиз

тимиз равнақига номуносиб бўлаётган ҳолатларга чеклов қўйишимиз мумкин, – деди у.

Мажлис якунида иштирокчилар томонидан ҳам кун тартибдаги масалаларга оид ўринли фикрлар билдирилди ва ҳамжиҳатликда фаолият юритишга келишиб олинди.

Н. МАВЛОНОВА.

ХАТАРЛИ АСОРАТЛАРДАН САҚЛАЙДИ, АЛБАТТА

Яқинда Шимкент шаҳридаги Ойбек номидаги 14-сонли умумтаълим мактабда қизиқарли учрашув ўтди. Муассаса раҳбари Гаухар Байбўсинова ва унинг ўринбосарлари Озода Ирискулова, Айнура Жўлдасова ташкилотчилигида юқори синфларда ўқийдиган ўқувчи қизлар иштирокида қизлар ўртасида эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш, шахсий гигиена ва қиз боланинг оиладаги тарбиясига бағишланган суҳбат уюштирилди.

Мактабга ташриф буюрган ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг Оналар кенгаши вакиласи, малакали шифокор Манзура Отахўжаева, «Sunkar Premium (Сункар Премиум)» тиббий клиникаси руҳшуноси Феруза Қабилбекова, дояси Шаҳноза Назарова ва мактаб ҳамшираси Гулчехра Мусахонова иштирокчилар билан мулоқотда бўлди. Тиббиёт соҳаси вакиллари бугунги ўсмир қизларнинг жинсий тарбияси, гигиенаси каби муҳим ҳамда нозик масала юзасидан долзарб маълумотлар билан ўртоқлашишди. Ўқиш, ўрганиш билан бир қаторда, қизлар ўз соғлиғига эътибор қаратишлари, айниқса, келажакда оила яратувчилари, соғлом авлодни дунёга келтирувчи эканлиқларини унутмай, бундай масалага бефарқ бўлмасликка чақирди. Ҳаётини мисоллар келтирилди. Видеолава ҳам намойиш этилиб, мактаб ёшидаги қизларнинг эрта ҳомиладор бўлиб қолиш ҳолатлари, салбий оқи-



батлари кўрсатилди. Қиз боланинг жинсий тарбиясида нафақат тиббий жиҳатлар, балки оилавий муҳит, ижтимоий ҳаётнинг ҳам бевосита таъсири катта. Бу ҳақда М. Отахўжаева нутқ сўзлаб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Мухтасар қилиб айтганда, таълим муассасаларига бориб, ўқувчи қизларнинг соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлигини тарғиб қилишга қаратилган

турли тадбирлар, давра суҳбатлари ЎЭМБ фаоллари томонидан мунтазам ташкил этилмоқда.

Эртанги кунимиз давомчилари бўлган қизларимиз соғлигини, тарбиясини ўйлаш, энг аввало, уларни келажакда хатарли ҳолатларга тушиб қолишдан сақлайди, албатта.

Наргиза ЗАЙНИДДИН қизи.

ЖАМИЯТ ВА МАЪРИФАТ

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ИЛМ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ХОР БЎЛМАЙДИ

Буюк бобокалонимиз Аҳмад Яссавий ҳазратларининг суюкли жияни Ошиқ Юсуф отанинг авлоди, тадбиркор Саидолим Йўлдошев хонадонидан бугун байрам. Невараси София Комилхонова АҚШда 80 давлатдан келган иштирокчилар орасида инглиз тилидан фахрли 1-ўринга ноил бўлди ва мовий байроғимизни мағрур ҳилпиратди.



Қадим Шом ўлкаси ва Мисрда ўз илми ва ирфони ила донг таратган Шайх Қавомиддин Амир Котиб Иқоний, Саид Жалолиддин Иқоний, Ҳумомиддин аллома ал-Иқоний, Мовароуннахр алломаларидан Шайх Камолиддин Иқоний, Шайх Аҳмад Иқоний, номлари тарихда қолган академиклар ва олимлар Бахтиёр Назаров, Абдумуталиб Ҳожиев, Шомирза Ризаев, Тошхоним Раҳимова, Нарзулла Муслимов, адибларнинг устози

Миртемир домла каби буюкларнинг бугунги авлоди илм-маърифат йўлини танлагани қувонарли ҳол, албатта.

Шунингдек, Иқон қишлоғида «Китобсеварлар клуби»ни ташкил этиб, маърифат сарчашмасини ёйишга бел боғлаган ва залворли ишларни амалга ошираётган Раҳматжон Абдусатторовнинг хизматларини ҳам тилга олиб ўтсак, арзийди.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

Ҳозирги кунда мактаб ёшидаги фарзанд тарбиялаётган деярли ҳар бир ота-она қўшимча таълим ҳақида ўйлашга мажбур. Кимдир фарзандини дарсдан кейинги таълим-тарбия гуруҳларига жойлаштиради, кимдир ҳусусий ўқитувчи ёлламоқда, яна кимдир Ягона миллий тестга тайёрловчи ўқув марказлари, инглиз тили ёки математика курсларини танламоқда. Бу ҳолат эса жамиятда муҳим бир саволни кун тартибига чиқармоқда: репетиторлик ҳақиқатан ҳам заруратми ёки таълим тизимида юзага келган муаммоларнинг оқибатими?

Дилфуза ЮСУПОВА, муаллима, ота-она:

– Бу масалага икки томонлама қараш керак. Биринчиси – мактаб дастури. Мактабдаги 45 дақиқалик дарслар асосий билимларни бериш учун мўлжалланган, лекин фанларни чуқур ўрганиш учун етарли эмас. Шу боис, ўқитувчилар болага асосий мазмунни етарли даражада тушунтиришга ҳаракат қилади. Тўғараклар ва репетиторликда эса вазият бошқача. Масалан, тўғаракларда 10-12 нафар бола бўлади ва репетитор ҳар бир бола билан алоҳида ишлаш имконига эга. Шу боис,



РЕПЕТИТОРЛИК – заруратми ёки таълим тизимидаги муаммо?

пул тўлаётган ота-оналар ҳам натижани талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мактабда эса кўп ҳолларда бундай имконият бўлмайди.

Менимча, тил бўйича қўшимча машғулотларга бола фақат 5-6-синфдан кириши мақсадга мувофиқ. Бошланғич синфда бу шарт эмас. Шу ёшда унга мактаб дастури етарли бўлади. ЯМТга тайёрлов тўғараклари эса 10-11-синфларда самарали, чунки боланинг асосий билимлари шаклланган. Шу ёшда бола келажакдаги касби тўғрисида қарор қабул қилаётган бўлади. Аммо бу ҳам боланинг қизиқишига боғлиқ. Хоҳиши бўлмаса, ҳатто қўшимча машғулотлар ҳам самара бермайди. Мен ўғлимни ҳам ЯМТга тайёрловчи курсга 10-синфда бердим. Бу машғулотлар унинг мактабдаги билимини мустаҳкамлади. Бошланғич синфларда эса ота-она ёки репетитор камида кунига икки соат бола билан бирга ишлаши керак. Чунки асосий пойдевор мана шу даврда шаклланади, тафаккури, зеҳни чархланади. Фарзандларим билан 1-3-синфларда шуғулланганман. 4-синфга ўтгач, улар мустақил равишда дарсларини тайёрлашни ўрганди.

Бугунги кунда эса болаларнинг вақти кўпинча нотўғри сарфланаяпти. Гаджетлар, ижтимоий тармоқлар уларнинг диққатини тортмоқда. Шу сабабли, ота-оналар фарзандлари билан кўпроқ мулоқотда бўлса, билим ва маънавий тараққиёт муҳимлигини тушунирса, биргаликда китоб мутолаа қилиб, ҳаётий мисоллар орқали тўғри йўлга йўналтирса, бола ҳам маънан соғлом бўлиб, вақтини самарали ўтказди. Ота-она ҳам фарзандига ибрат бўлиши керак. Чунки фарзанд учун энг кучли дарс – бу ота-онанинг ҳаётий намунаси.

Бугун ЯМТга тайёрловчи ўқув марказларига ҳам талаб жуда юқори. Чунки ушбу имтиҳон – ўқувчининг тақдирини белгилаб беради. Шу боис, кўп ота-оналар бу масалага жуда жиддий қарашади.

– Очиғини айтсам, бугунги мактаб

ча, мактаб дастури ЯМТга тўлиқ тайёрланиш учун етарли эмас. Шу сабабли у фарзандларини қўшимча тайёрланиш учун ўқув марказларига беришга мажбур.

Унинг таъкидлашича, ўқув марказларидаги тўловлар ҳам арзон эмас. Аммо ҳар бир ота-она фарзандининг билим олиши, келажакдаги учун бор имкониятини ишга солишга тайёр.

ТИЛ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
МАШҒУЛОТЛАР

Бугунги кунда қўшимча таълимга талаб фақат инглиз тили билан чекланиб қолмайди. Ота-оналар фарзандларини турли чет тилларини ўрганишга кўпроқ йўналтирмоқда. Айниқса, инглиз тили билан бир қаторда хитой, француз, турк, корейс ва бошқа тилларга қизиқиш ҳам ортиб бормоқда.

Мактабдаги инглиз тили дарслари (haftасига 2-3 соат) тилни пухта ўзлаштириш учун етарли эмас. Агар фарзандингиз тил ўрганиб, чет элда ўқишни орзу қилса ёки катта мақсадлар сари интилса, тилни пухта ўзлаштириши муҳим. Бундай вазиятда қўшимча машғулотлар фақат имконият эмас, балки заруратдир.

Математика, физика машғулотлари эса аниқ фанларга ихтисослашган йўналишларни танлаётган ўқувчилар учун муҳим ҳисобланади.

Хуллас, репетиторлик ва ўқув марказларини фақат мактаб таълим тизимидаги камчилик, дея баҳолаш бирёқлама фикрлаш маъсули. Айрим ҳолларда бу ҳақиқий зарурат, таълим тизимидаги камчиликларни тўлдирувчи восита. Энг муҳими, боланинг манфаати, унинг билим олиши ва келажак.

Малика ЭЛТОЕВА.



Табриқлаймиз!

Саврон туманининг
фахрий фуқароси,
Чипон қишлоғи
ЎЗМБ раиси,
фаол обуначимиз
Жумадулла
АБЕНОВга!

Сизни 77 ёшга тўлишингиз шодиёнаси ила самимий муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, эл бирлиги, равнақи, ёшларни иймон руҳида тарбиялашдек кенг қамровли фаолиятингизда омад тилаймиз. 35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” наشري “Ҳидоят сари” рукни остида чоп этилаётган мақолаларингиз, давлат ва жамоат ташкилотлари жамоаларини обунгага фаол даъват этиб, қишлоқ жоме масжиди намозхонлари аҳлини 50 нусха газетасига обунга қилдираётганингизни вилоятга ибрат этамиз.

Хонадонингизга ҳаловат, барака, неварга, эвара, чеваралар камолини кўриб, тўйларида бош-қош бўлиш саодати ҳамроҳ бўлсин.

ТАҲРИРИЯТ.

»» Спорт

ЭРКИН КУРАШ: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида “SHYMKENT KIDS” мусобақаси ўтди.



Шимкент шаҳридаги “Мардан” спорт мажмуасида 2013-2016 йилларда туғилган ўсмирлар куч синашди.

Мусобақада Шимкент шаҳри ва Туркистон вилоятининг барча туманларидан жами 13та жамоадан 250дан зиёд спортчилар иштирок этди.



Тўлебий туманидаги 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари яхши натижаларни кўлга киритишди. Улар 1та олтин, 2та кумуш ва 4та бронза медаль соҳиби бўлишди. Жумладан, Мағжан Азимхан 30 кг вазн тоифасида 1-ўринни эгаллади, Бекнур Пўлатбай, Муслим Умбетали, Абзал Асилбай, Бекарис Тлеуберди ва Қудайбергел Билимхан совринли ўринни эгаллаб, махсус диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

Спортчиларни мусобақага мураббийлар Мурат Саурбаев ва Байдаулет Қалшабек тайёрлади.

М. УСМОНОВА.



Kazinform. Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Кирсти Ковентри иқлим ўзгариши сабабли Қишки Олимпиада ва Паралимпия ўйинлари жадвали қайта кўриб чиқиши мумкинлигини маълум қилди.

– Дунёвий жараён – иқлим ўзгариши муносабати билан келгуси Олимпиадаларни ўтказиш жадвалига ўзгариш киритилади. Анъанага кўра, ўйинлар февраль ойида бошланарди. Энди Қишки Олимпиадани январь ойида, Паралимпия ўйинларини эса февраль ойида ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Иқлим ўзгариши қор қопламанинг барқарорлигига таъсир кўрсатиб, мусобақаларни ўтказиш имкониятини чекламоқда.

Маълумот учун, 2030 йилги Қишки Олимпиада Франция Альп тоғларида, 2034 йилги ўйинлар эса АҚШнинг Юта штатида ўтказилиши режалаштирилган.

Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолари июнь ойида ўтадиган навбатдаги йиғилишда ушбу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт, рақамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, рақамла ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 ғувоҳнома берилган.
“ERNUR”print” МЧБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-йў, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашир кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10650 нуска.

Бўғимча 276.

Навбатчи муҳаррир: Шоҳиста ТОШПҲАТОВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҲОНОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.